

Қачон жанозани кўрсангиз, ўрнингиздан тулинг | Сийрат дарслари (274-дарс)



19:00 / 23 март 814

391. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Жаноза (тобутга) қўйилиб, уни эркаклар елкаларига кўтарганларида, агар у аҳли солиҳ бўлса, «Мени тезроқ олиб боринглар», дейди. Агар у аҳли солиҳ бўлмаса, «Вой шўрим қурсин, қаёққа олиб кетяпсизлар?» дейди. Унинг овозини инсондан бошқа ҳамма нарса эшитади. Агар у эшитганида, албатта ҳушидан кетар эди»,** дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

392. Омир ибн Робиъа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирингиз жанозани кўрса, агар у билан бирга юрмаётган бўлса, у жанозадан ўтиб кетгунча ёки жаноза олдидан ўтиб кетгунча ёхуд жаноза қўйилмагунча ўрнидан турсин»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

393. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қачон жанозани кўрсангиз, ўрнингиздан туринг. Ким унга эргашиб борса, ерга қўйилмагунча ўтирмасин»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

394. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Бир жаноза ўтган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга ўринларидан турдилар ва биз ҳам турдик. Шунда биз: «Эй Аллоҳнинг Расули, у яҳудий-ку!» дедик. **«Албатта, ўлим даҳшатли нарсадир. Қачон жанозани кўрсангиз, ўрнингиздан туринг»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.